O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 12 май, № 90 (3889) Жума



Техника — деҳқон қаноти

Жойларда бўлгани сингари Поп туманида ҳам жорий йил ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, мавжуд ўрим комбайнлари мавсумга шай қилиб қўйилди.

— Жорий деҳқончилик йилида туманимиз бўйича 7 минг гектардан зиёд майдонда ғалла парвариш қилинаяпти, — дейди туман машина-трактор парки бош муҳандиси Шуҳрат Маҳмудов. — Албатта, етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш, биринчи навбатда, комбайнчилар саъй-ҳаракатига боғлиқ. Айни чоғда, жамоамиз ана шу масъулиятни ҳис этиб, мавсумни тез ва сифатли ўтказиш чораларини кўрмоқда.

СУРАТЛАРДА: Поп тумани машина-трактор парки илғор комбайнчиси Ҳасанбой Абдуллаев: бир гуруҳ комбайнчилар.

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.



Юртимизда меҳмон бўлиб турган Осиё Олимпия кенгаши вакиллари миллий қадриятимиз — ўзбек кураши билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

КУРАШ ДУНЁ КЕЗАДИ

Пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида бўлиб ўтган тақдимот маросимида Осиё Олимпия кенгаши вакиллари, Марказий Осиё давлатларининг Миллий Олимпия қўмиталари президентлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда курашимизнинг халқаро қоидалари ва энг жозибали усуллари номдор полвонлар томонидан намойиш этилди. Курашчиларнинг ҳар бир чиқиши меҳмонлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди. Шунингдек, Юртбошимиз раҳнамолигида дунёга чиққан миллий қадриятимиз тарихи ва ҳозириги кунини қамраб олган «Кураш олами» фильми ҳам иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

— Кураш энг жозибадор спорт тури эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, — дейди Осиё Олимпия кенгаши бош директори Ҳусайн ал-Мусаллам. — Узоқ тарихга эга, ҳалол кураш ҳар қандай спорт ўйинлари дастурига киришга муносиб эканлигига ишондим. 2002 йилда кураш Осиё Олимпия кенгаши томонидан тан олинган эди. Жорий йил декабрь ойида Қатар пойтахти Доҳада ўтадиган 15-Осиё ўйинларида кураш бўйича ҳам мусобақа ўтиши режалаштирилган, унинг вақти ва жойи ташкилий қўмита томонидан кўриб чиқилмоқда. Кураш эндиликда нафақат ўзбек халқининг, балки қитъамизда яшовчи кўплаб халқларнинг севимли спорт турига айланиб бормоқда. Курашни Осиё қитъасининг яна бир спорт тури сифатида Олимпиада ўйинлари каторига киришидан биз ҳам манфаатдормиз. Шу сабабли Осиё Олимпия кенгаши раҳбарияти унинг ривожи учун бор куч-ғайратини сарфламоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИГИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома минтақада тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этганидан сўнг журналистлар билан учрашуви чоғида ана шу фикрни алоҳида таъкидлади. Маълумки, давлатимиз раҳбари бундан сал илгарироқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан тасдиқланган ушбу муҳим ҳужжатни ратификация қилиш ҳақидаги қонунни имзолаганди.

Кеча Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Президентининг 2005 йил ноябрь ойида Россияга расмий ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақидаги Россия Федерал қонунига имзо чекди. Ушбу қонун яқинда Россия Федерациясининг Давлат Думаси ва Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланган.

Бу жараёнларнинг барчаси, бир томондан, Ўзбекистон билан Россия ҳамкорлигининг ҳозирги юксак босқичини яққол намоён этган бўлса, иккинчи томондан, иттифоқчилик принципи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг асоси сифатида халқаро-ҳуқуқий даражада мустаҳкамланганидан далолатдир.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши билан мамлакатларимиз тарихида ҳамкорликнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйилди — Ўзбекистон ва Россия алоқалари суверен давлатлар ўртасидаги муносабатларга берилиши мумкин бўлган энг юқори мақомга эришди.

Бундай мақомга эга ҳужжат мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор имзолангани алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги, юксак поғонага кўтарилиши тасодифий ҳол эмас. Бошқача айтганда, мамлакатларимиз ўртасида муҳим аҳамият касб этиб келган ҳар томонлама алоқаларимиз ривожининг узвий давомидир.

Маълумки, 2004 йилнинг июнь ойида Тошкентда Ўзбекистон билан Россия ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида шартнома имзоланганидан кейин бир йил ичида икки мамлакат раҳбарлари расмий ташрифлар ва турли халқаро тадбирлар доирасида ўн мартадан кўпроқ учрашди. Табиийки, икки томонлама бундай мунтазам сиёсий мулоқотлар Ўзбекистон ва Россия ўртасида азалдан мавжуд ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончнинг янада мустаҳкамланишини таъмин этди.

Шу тариқа мамлакатларимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, савдо-иқтисодий ва таълим соҳалари бўйича алоқалари изчил кенгайиб борди. Ўтган йили Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатларига холис ва беғараз ёндашуви мисолида ҳам Россиянинг бугунги сиёсати аниқ ва равшанлиги, Ўзбекистон билан сиёсий позицияси муштарак экани яна бир бор ўз исботини топди.

Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги қонун имзолангани ҳақида хабар тарқатган Россия оммавий ахборот воситалари Тошкент билан Москва ўртасида тасдиқланган бу муҳим ҳужжатнинг ратификация қилиниши Россия Федерацияси манфаатларига мос эканини алоҳида таъкидламоқда.

Мазкур Шартнома Ўзбекистоннинг ҳам миллий манфаатларига тўла жавоб беради. У, аввало, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашга ва дунёдаги энг нуфузли давлатлардан бири билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолаш орқали Ўзбекистон манфаатлари кимнинг манфаатлари билан мос келишини ва ўз келажагимизни ким билан биргаликда яратишимизни яна бир бор аниқлаб олдик.

Шартномада хавфсизлик масалаларига алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Кейинги йилларда дунёда вужудга келган мураккаб вазиятда айрим сиёсий кучлар ва ташқи омиллар минтақамизга, жумладан, Ўзбекистонга ўз сиёсий таъсирини ўтказишга, бу ерда беқарорлик келтириб чиқаришга уринаётган бир пайтда шундай дадил ва оқилона қадам қўйилгани айни муддао бўлди.

Шартноманинг қамрови жуда кенг. У ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, қуролли кучларни замонавийлаштириш ва ислоҳ қилиш йўналишлари билан чекланмайди. Унда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг бошқа жабҳалари ҳам ўз аксини топган. Савдо-иқтисодий муносабатлар, телекоммуникация, энергетика, суғурта, банк-молия соҳаларини ривожлантириш, халқаро транспорт инфратузилмаларидан ўзаро манфаатли асосларда фойдаланиш шулар жумласидандир.

Ўтган йил якунлари Россия Ўзбекистоннинг савдо соҳасидаги асосий шеригига айланганини кўрсатди. Мамлакатимиз ана шу даврда дунёнинг юздан ортиқ давлати билан савдо-сотиқ алоқаларини амалга оширган бўлишига қарамай, жами товар айланмасининг 21,7 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келди. 2005 йилда юртимиздан ушбу мамлакатга экспорт ҳажми 41,6 фоиз кўпайди ва 1026,5 миллион долларга етди. Россиядан импорт ҳажми эса 12,7 фоизга ошди ва 1034 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш бўйича МДҲда учинчи ўринда, дунё миқёсида эса газ қазиб олувчи 10 та йирик мамлакат сафида турибди. Шу маънода, мамлакатимизнинг Россия билан ёқилғи-энергетика мажмуидаги сармоявий ҳамкорлиги айниқса диққатга сазовордир. 2005 йилда Россия биздан 8,115 миллиард куб метр миқдорида газ сотиб олди. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» ва «Газпром» очиқ акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган ҳужжатлар юртимиз нефтьгаз саноатига 2,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритилишини кўзда тутади.

Куни кеча Санкт-Петербургдаги «Техноспецсталь-инжиниринг» компанияси билан Тошкент авиацияишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида 2008 йилгача 30 дона ИЛ-114 самолёти етказиб бериш юзасидан битим имзоланди. Ушбу битим Ўзбекистонга катта иқтисодий-молиявий ютуқ келтириши табиий. Шуни ҳам айтиш ўринлики, ҳозирга қадар Россиянинг Ҳарбий-денгиз кучларида ва «Выборг» авиакомпаниясида дунёдаги бешта йирик авиазаводдан бири ҳисобланувчи Тошкент авиасозлик корхонасида ишлаб чиқарилган бир нечта шундай русумдаги самолётдан самарали фойдаланилмоқда.

Таълим, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка келсак, бугунги кунда Россиянинг иқтисодиёт, сервис, тиббиёт, бошқарув, лингвистика, педагогика, қишлоқ хўжалиги, информатика ва янги саноат технологиялари соҳаларида мутахассислар тайёрлайдиган ўнлаб олий ўқув юртлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Тошкентда Г.Плеханов номидаги академия филиали фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, жорий йил сентябрь ойидан М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлашга киришади.

Ҳозир Россияда 6 мингга яқин ўзбекистонлик талаба таҳсил олмоқда. Келгусида бу рақам бир неча баробар ортади. Чунки Ўзбекистоннинг Россия билан Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолагани, шунингдек, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлгани муносабати билан келгусида олий ўқув юртларини тамомлаганлик ҳақидаги дипломларни нострификация қилиш ва умумий таълим муҳитини шакллантириш тўғрисидаги икки томонлама шартноманинг амалга оширилиши бу жараённи ривожлантиришга кўмаклашади.

Россия таълим тизилмалари Ўзбекистон билан алоқаларнинг кенгайишидан манфаатдор. Ҳамкорларимизнинг фикрича, юртимиз олий таълим муассасаларининг муваффақияти нафақат кадрлар тайёрлашда, балки жиддий илмий-тадқиқотлар ўтказиш, муҳандислик-техника соҳасида изланишлар борасидаги ютуқларда ҳам кўзга ташланмоқда. Шунинг учун тажриба алмашиш, ҳамкорликда изланишлар олиб бориш иккала томонга ҳам фойда бериши аниқ.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш учун ҳар бир масалага миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашмоқ зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши мамлакатимиз ташқи сиёсатида ана шу принципга қатъий амал қилинаётганини яққол исботлаб турибди.

Ушбу Шартнома, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, икки мамлакат томонидан узоқни ўйлаб қўйилган жиддий қадам бўлиб, тинч ва осойишта ҳаётимизни кафолатлайди, келажакка ишонч билан қарашимизни таъминлайди. Айни чоғда, у минтақада барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ҳар хил бало-қазоларга барҳам бериш йўлидаги муҳим омил ҳамдир.

Ғулом МИРЗО, ЎзА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

Иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкининг устав сармояси 1,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар белгилансин: Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади; 1-иловага мувофиқ субъектлар Жамғарма муассислари ҳисобланадилар.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Жамғарма тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда Жамғарма қуйидагиларни амалга ошириши зарурлиги назарда тутилсин:

давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;

иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва модернизация қилиш борасида устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим лойиҳаларни молиялаштириш; стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар, аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини кредитлаш;

ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техникавий қайта қуроллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳажмларини оширишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;

биринчи навбатда истиқболли, аммо етарлича ривожланмаган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли миллий давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш;

республиканинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш;

халқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг қўшма молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш.

4. Белгиланснки, Ўзбекистон ҳудудида ўзлари учун ғоят муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (қўшма молиялаштириш)дан манфаатдор бўлган халқаро ва хорижий жамғармалар ҳамда инвесторлар Ҳукумат қарорларига биноан Жамғарма ҳаммуассислари сифатида қўшилиши, мазкур молия институтларининг вакиллари Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркибига киритилиши мумкин.

5. Қуйидагилар Жамғармани шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгиланснн:

стратегик ресурсларга жаҳон нархларининг қулай конъюнктураси натижасида, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида белгиланадиган айрим солиқ ва тўлов турлари бўйича ҳосил бўладиган қўшимча тушумлар;

Ҳукуматнинг хорижий валютадаги активларининг бир қисми;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий шериклар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлари доирасида маҳсулотни сотишдан оладиган даромадлари; давлат мулкини хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;

Жамғарма активларини бошқаришдан олинадиган инвестиция даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушум ва даромадлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006-2009 йиллар мобайнида Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварағида Жамғарма активларини 1,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида шакллантиришни таъминласин.

7. Белгиланснки, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш Жамғарманинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгиланснн:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

Жамғармага маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнозларини кўриб чиқиш ҳамда уларни навбатдаги йилга мўлжалланган макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичлари, Давлат бюджети ҳамда Давлат инвестиция дастурининг асосий параметрлари билан боғлиқ ҳолда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритиш;

қарз олган корхоналарни қайта молиялаштириш (қўшма молиялаштириш) учун тижорат банкларига Жамғарма маблағларини бериш муддатлари ва шартлари бўйича қарорлар қабул қилиш, халқаро сармоя бозорларида амал қилаётган фоиз ставкаларидан келиб чиқиб Жамғарма томонидан берилаётган маблағлар бўйича фоиз ставкаларининг аниқ миқдорларини тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, тижорат банкларига молиялаштиришни тўлиқ ва ўз вақтида очиш ҳамда тижорат банкларига берилган маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида Жамғарма ижроия дирекциясининг ҳамда қарз олган корхоналар томонидан Жамғарма маблағларининг самарали фойдаланилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш.

8. Жамғарма солиқлар, йиғимлар, божларнинг барча турларидан ҳамда давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларидан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Иқтисодиёт вазирлиги бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Жамғарма фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 11 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига Ш А Р Ҳ

Жорий йилнинг 11 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Бундай Жамғармани шакллантиришнинг зарурати нимага пайдо бўлди?

Биринчидан, кейинги йилларда бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва иқтисодиётни либераллаштириш натижасида мамлакатимиз иқтисодий тараққиётнинг юксак суръатларига эришди. 2005 йилда ялпи ички маҳсулот 7%, саноат ишлаб чиқариши — 7,3 %, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 17,7% кўпайди.

Иқтисодиётни тизимли ва изчил таркибий янгилаш, иқтисодий ўсишнинг локомотиви бўлиши лозим бўлган соҳалар, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш истиқболли барқарор иқтисодий тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқда.

Иккинчидан, республикада мамлакат фаровонлиги йўлида ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган ғоят катта салоҳият мавжуд. Энг аввало бу Ўзбекистон эга бўлган минерал хомашёнинг бой заҳираларига тааллуқлидир.

Мамлакатимизда табиий газнинг умумий ресурслари 7,8 трлн.куб метрни, нефть ва конденсат ресурслари эса салкам 1 млн.тоннани ташкил этади. Айни чоғда республиканинг нефть ва газ мавжуд бўлган ҳудудларини ўрганиб чиқиш даражаси фақат 28,2% ни, истиқболли Уст-Юрт ва Сурхондарё ҳудудлари бўйича эса атиги 7-8% ни ташкил қилади.

Умуман олганда, республикадаги фойдали қазилма ресурслари қарийб 11 трлн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда, шулардан қидириб топилганлари атиги 17% ни ташкил этади. Мамлакатимизнинг ер бағри углеводородлар билан бир қаторда мис, уран, фосфоритлар, нодир ва қимматбаҳо металларга бой. Республика мазкур салоҳиятни рўёбга чиқариш учун замонавий технологиялар асосида хомашёни қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш учун кенг миқёсли инвестицияларга муҳтождир.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини таъминлаш, ўзбек товарларининг жаҳон бозорларига кириб боришини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш айниқса истиқболли, аммо ҳозирги вақтда етарлича ривожланмаган ҳудудларда транспорт коммуникациялари, замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма жадал ривожлантирилишини тақозо этмоқдаки, буларсиз мазкур минтақаларга зарур инвестицияларни жалб этиш мушкул бўлади.

Тўртинчидан, мавжуд хомашё салоҳиятини комплекс равишда чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ғоят муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон дунёда пахта етиштирувчи ва экспорт қилувчи энг катта давлатлардан бири эканлигини эътиборга олганда, тўқимачилик саноатини ўзига хос бир мисол сифатида келтириш мумкин. Пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш ҳисобининг ўзигагина тўқимачилик саноатига сарфланган ҳар бир долларга қўшимча равишда 7 долларлик маҳсулот олиш мумкин.

Бешинчидан, юксак технологияларни ривожлантириш ва уларни аввало ахборот-коммуникация соҳасида ишлаб чиқаришга амалда жорий этиш жиддий эътиборни талаб қилади. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ҳеч бир тармоғи ишлаб чиқариш самарадорлигини янги даражага кўтариш ва маҳсулотнинг рақобатдошлигини оширишга ёрдам берувчи замонавий ахборот технологияларини қўлламасдан фаолият кўрсата олмайди.

Ва, албатта, ижтимоий аҳамиятга молик умуммиллий дастурлар ва лойиҳалар — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини риавожлантириш Давлат умуммиллий дастури, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби ва бошқа тадбирларни амалга ошириш алоҳида устувор йўналишлардан ҳисобланади. Уларнинг амалга оширилишини таъминлаш салмоқли инвестицияларни талаб этади. Ҳозирги дунёда инсон капиталини ривожлантириш, замонавий технологияларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини модернизациялаштириш, ишлаб чиқаришни таъминлашни инвестициялаш учун етарли ресурсларга эгадир. Жамғарманинг ташкил этилиши иқтисодиётни ривожлантиришда, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизациялаштиришда устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тармоқларни ривожлантириш учун зарур молиявий ресурсларни жамлаш имконини беради. Бунга, аввало, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик, рангли металлургия, тўқимачилик саноати, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари киради.

Зарур молиявий ресурсларни ва самарали инвестиция лойиҳаларининг малакали экспертиза қилинишини таъминлай оладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва республиканинг энг катта тижорат банклари Жамғармани таъсис этувчилар ҳисобланади. Уларнинг орасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва бошқалар бор.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Жамғарма Ўзбекистон ҳудудида ғоят муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (қўшма молиялаштириш)дан манфаатдор бўлган халқаро ва хорижий жамғармалар ҳамда инвесторларни ҳаммуассислар сифатида жалб этиш учун очиқдир.

Жамғармага юклатилган вазифаларни амалга оширишни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига уни таъсис этиш, ташкилий жиҳатдан барпо этиш, бошқарув органларини тузиш билан боғлиқ амалий масалаларни жуда қисқа муддатларда ҳал қилиш, Жамғарма тўғрисидаги Низомни тайёрлаш ва тасдиқлаш, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг ҳудди шундай жамғармалари фаолиятида тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, зарур норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш топширилди.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бир ярим ой муқаддам Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилингач, бу муҳим вазифа янгича мазмун-моҳият ва аҳамият касб этди.

Мухбиримизнинг республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқилжон ОБИДОВ билан суҳбати шу хусусда.

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ УСТУВОР ҚИРРАСИ

— Аввало, шуни таъкидламоқчиманки, — деди Оқилжон Обидович, — мустақилликнинг дастлабки йилларида Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан деҳқонларга шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини юритиш учун ер участкалари тақсимлаш орқали ўтиш даврида, кўплаб давлатларда бўлгани каби аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити пасайиб кетишига йўл қўймасликка, аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини, асосан, аёллар ва ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга ҳамда шу йўл билан ишсизликнинг ўсиш хавфини бартараф этишга эришилди. Ер участкаларини бериш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик хўжаликлар, яъни шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини тизимли равишда қўллаб-қувватлаш ҳисобига аҳолининг даромадларини ошириш, ички истеъмол бозорини эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга муваффақ бўлинди. Бу чора-тадбирлар деҳқонни боқиманда бўлишдан қутқариб, ўз меҳнатининг натижасидан манфаатдор ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш имконини берди.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида ҳам шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш бўйича вазифалар ўз долзарблигини сақлаб турибди. Бундан ташқари, улар янги мазмун-моҳият касб этмоқда. **Майда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тарқатиш билан шуғулланувчи шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари самарадорлигини мустаҳкамлаш ва ошириш, бу хўжаликларга хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ривожлантириш, хўжаликларда боқилаётган қорамоллар наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини кўпайтириш, уларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда шу асосда қишлоқ аҳолининг, айниқса, аёлларни самарали меҳнатга жалб қилиш ва аҳоли даромадларини ошириш шулар сирасига киради.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори айнан шу вазифаларни бажаришга қаратилган.

— Мазкур Қарор қишлоқ аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадлари ошишига қандай таъсир кўрсатади?

— Вазирлик томонидан халқаро талабларга мос ҳолда доимий олиб борилаётган меҳнат бозори ва бандлик мониторинги натижаларига кўра, бугун мамлакатдаги уч миллионга яқин фуқаролар иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлиб, ундан даромад кўрмоқда. Уларнинг асосий қисмини (1,5-2 миллион атрофида) асосан қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ва ўзларининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол асровчи аёллар ташкил этади. Ўзбекистондаги ишсизликнинг нисбатан анча паст бўлган даражасини ҳам қисман шу нарса ушлаб турибди. Бу даража ҳозир иқтисодий фаол аҳолининг 3-3,5 фоизи атрофида сақлаб келинмоқда. Ушбу маълумотларни Жаҳон банки томонидан берилган баҳолар ҳам тўла тасдиқлайди.

Айни чоғда, ушбу Қарор эълон қилингунига қадар бу фуқароларнинг ўз шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва чорва маҳсулотларини тарқатиш фаолияти зарур ҳуқуқий асосга эга бўлмай, норасмий фаолият саналарди. Бу эса мазкур фаолиятни паст даромадли ва ижтимоий нуқтаи назардан ҳимояланмаган соҳага айлантириб қўйганди.

Қарор қабул қилингач, вазият тубдан ўзгармоқда. Биринчидан, қорамол боқиш ва чорва маҳсулотлари етказиб бериш билан шуғулланувчи шахслар иқтисодиётнинг норасмий секторидан чиқиб, расмий равишда бандлик мақомини олмоқда.

Иккинчидан, Қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ижроси қорамол боқиш самарадорлигини оширади ва уни чорва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи реал тармоққа айлантиради.

Учинчидан, ушбу фаолият турига меҳнат ресурсларининг каттагина қисми жалб этилади, натижада қишлоқ аҳолиси ўртасидаги ишсизлик даражаси кескин камаяди.

Ва ниҳоят, тўртинчидан, мазкур майда товар ишлаб чиқарувчи тармоққа, биринчи навбатда, рўзғорни юритиши боис бошқа иш қидириб топиши мушкул бўлган қишлоқ аёллари жалб этилади. Бу эса уларга самарали, фойда келтирувчи меҳнатни уй ишлари билан қўшиб олиб бориш имконини беради. Аёлларнинг иқтисодий-ижтимоий фаоллигини оширади.

— Қарорда нега айнан қорамол асрашга урғу берилган?

— Гапни, аввало, қорамол боқиш ва чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўп тармоқли, малака ва махсус кўникмалар талаб қилувчи меҳнат фаолияти эканлигидан бошласам. Айни пайтда, масалан, мавсум билан чамбарчас боғлиқ бўлган экин етиштиришдан фарқли равишда, бу бир кун ҳам тинмайдиган, оилага пул ва катта моддий даромад келтирувчи иш ҳисобланади.

Ҳисоб-китобларимизнинг кўрсатишича, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигидаги битта қорамол парвариши йилига 500 соат меҳнат талаб этади. Бу — ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчининг иш вақти йиллик фондининг тўртдан бири, деганидир. Шунингдек, етиштирилган чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ва уни реализация қилиш, ем-хашак етиштириш ва сотиб олиш, ер участкасидаги оғилхоналарни тайёрлашга ҳам вақт сарфланади. Бошқача қилиб айтганда, икки-учта қорамоли бор хўжаликда оиланинг камида бир меҳнатга лаёқатли аъзоси тўлиқ банд бўлади.

— Қорамол боқиш билан машғул шахснинг банд аҳоли қаторига қўшилиши унга нима беради?

— Аввало, улар Пенсия жамғармасига суғурта бадалини тўлашса, мазкур фаолият даврини меҳнат стажига ҳисоблаш йўли билан уларга кексайганда пенсия олиш ҳуқуқи берилади. Қолаверса, улар хўжалик муносабатлари субъекти сифатида ҳаракат қилиш, хусусан, чорвачилик маҳсулотларини сотиш учун шартномалар тузиш, сермаҳсул наслли қорамолларни сотиб олиш бўйича аукционларда қатнашиш, тижорат банкларидан мақсадли имтиёзли кредитлар олиш, омихта ем ва кунжара сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бундан ташқари, ушбу фаолиятга юридик мақом берилиши, айниқса, у билан асосан аёллар машғул эканлигини инобатга олсак, аёлларда ўзига ишонч туйғусини шакллантириш, уларнинг иқтисодий фаоллиги ва моддий мустақиллигини оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Қорамоллар боқувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида улар билан туман меҳнат бўлими ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўртасида уч томонлама шартнома тузилиб, ташкилотлар томонидан бу шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ мажбуриятлари белгилаб қўйилади. Шу билан бирга, ҳар бир туманда соҳада юзага келадиган барча масалаларни зудлик билан ҳал қилиш учун туман ҳокимининг ўринбосари бошчилик қиладиган махсус ишчи комиссияси ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

— Қорамол боқувчи шахс сифатида меҳнат дафтарчасини ким ва қандай қилиб олиши мумкин?

— Меҳнат дафтарчалари меҳнатга лаёқати ёшдаги, асосий меҳнат фаолияти қорамол боқиш ва шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжаликларида етиштирилган чорва маҳсулотларини сотадиган ҳамда шу кунгача дафтарчага эга бўлмаган шахсларга берилади.

Меҳнат дафтарчасини туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимидан олиш мумкин. Фуқаролар бу бўлимга ёки маҳалла идорасида бевосита доимий ишлаётган меҳнат бўлими ходимига мурожаат қилсалар бас. Белгиланган тартибда расмийлаштирилган меҳнат дафтарчаси мурожаат қилинган кундан бошлаб кечи билан 10 кун ичида берилади.

Меҳнат дафтарчасига эга шахсларга янги дафтарча берилмайди. Қорамол боқиш билан боғлиқ барча керакли ёзувлар эса ўша эски дафтарчага қайд этилади.

— Қорамол боқиш ва шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган чорва маҳсулотларини етказиб беришга кетган вақт пенсия тайинлашда инобатга олиниши учун нима қилиш лозим?

— Асосий шарт бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бадал тўлашдир. Суғурта бадалининг ушбу миқдори бошқа тоифадаги ишчилар бадали билан таққослаганда имтиёзли ҳисобланади. Эътибор қаратиш керакки, бу бадаллар тўланмаган ойлар пенсия тайинлашда меҳнат стажига қўшилмайди ва ўз навбатида, меҳнат дафтарчасида ҳам қайд этилмайди.

Қорамол боқиш ҳисобига пенсияга эга бўлишни истовчи фуқаролар пенсия жамғармасига бадалларни мустақил тўловчи жисмоний шахс сифатида яшаш жойидаги солиқ органида рўйхатдан ўтиши ва ижтимоий таъминот бўлимидан бу жамғармага бадаллар тўлашни ҳисобга олиш бўйича шахсий карточка олиши керак бўлади.

— Қорамол боқишни ният қилган одам яна бошқа қўшимча солиқлар тўлашига тўғри келмайдими?

— Йўқ, ушбу фаолият бошқа ҳеч қандай қўшимча солиқларга тортилмайди. Деҳқон хўжаликлари фақат аввалгидек ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи ва мулк солиғи тўлайдилар. Бироқ улар биринчи марта томорқа ер участкасини олиб, давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб, икки йил мобайнида ер солиғидан озод этиладилар.

Жисмоний шахсларнинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларидан олган даромадлари эса солиққа тортилмайди.

— Қарорнинг қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга биттадан зотдор қорамол бериш йўли билан ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қисми юртдошларимиз томонидан катта миннатдорлик билан қабул қилинди. Бу ёрдамни олиш тартиби тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастурига биноан, 2006 йил давомида ҳомийлар ва хайрия ташкилотлари маблағлари ҳисобига ҳар бир тумандан камида 100-200 та оилага биттадан зотдор қорамол ажратилади.

Бундай ёрдам, биринчи навбатда, мактабгача ва мактаб ёшидаги беш ва ундан ортиқ боласи бўлган боқувчиси, эри вафот этган ёлғиз оналар ва кам таъминланган оилаларга, "Меҳрибонлик уйлари", етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, яъни мактаб-интернатлар битирувчиларига, шунингдек, ота-онасиз қолган икки ёки ундан ортиқ болани ўз қарамоғига олган оилалар (васий оилалар)га берилади.

Табиийки, бу оилаларда қорамол боқиш учун шарт-шароит бўлиши ҳамда унинг аъзолари анча қийин бўлган бу иш бўйича кўникмаларга эга бўлиши лозим. Жорий йилда 21,5 мингта яқин кам таъминланган ва кўп болали оилалар шундай ёрдам олиши кутилмоқда.

Қорамолни бепул олишга муҳтож оилаларни ўз ҳудудидаги одамларнинг моддий аҳволини ҳаммадан яхши билувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аниқлайди.

Ушбу ёрдам ҳомийлар(ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар)нинг маблағлари ва нодавлат хайрия ташкилотларининг ажратмалари ҳисобидан амалга оширилади. Шу ерда айтиб ўтмоқчиманки, бу маблағлар мутлақо ихтиёрий асосда тўпланади. Кимнидир, корхона ва жисмоний шахсларни ўз хоҳишига қарши равишда кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун қорамол сотиб олишга мажбурлаш, айниқса, бировнинг қорамолини бошқага бериш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бунда ўзбек халқига хос бўлган саховатпешаликнинг намоён бўлиши жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, "Ўзавтосаноат" аллақачон Фарғона водийсидаги кам таъминланган оилалар учун қорамол сотиб олиш ва тарқатишга ўз фойдасидан 1 миллиард сўм ажратди.

— Ёрдамчи хўжалигида қорамол боқувчи қишлоқ одамлари уни сотиб олиш учун маблағни қаердан ва қандай қилиб оладилар?

— Қарорда қорамол харид қилиш учун оилаларни имтиёзли микрокредитлаш кўзда тутилган. Шу мақсадда тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бандликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кредит ресурслари ажратилади.

Энг муҳим томони шундаки, мазкур ссудаларни олиш имконига кам таъминланган оилалар ҳам эга бўладилар. Уларга имтиёзли мақсадли кредитлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафолати остида берилиб, ана шу маблағга сотиб олинган қорамол гаров вазифасини ўтайди.

Имтиёзли мақсадли кредит олиш учун оила бошлиғи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилиши ва тижорат банки учун кафолат хати олиши лозим. Барча керакли ҳужжатлар, яъни ссуда олиш учун ариза ва кафолат хати топширилгач, уч кун муддат ичида тижорат банки имтиёзли мақсадли микрокредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда ссуда олувчи билан шартнома тузади.

— Оқилжон Обидович, Президент Қарори эълон қилинганига ҳам бир ярим ой бўлди. Унинг ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар бўйича қандайдир якунлар чиқариш мумкинми?

— Биринчи босқичда аҳоли орасида фаол тушунтириш ишларини олиб бориш асосий вазифа эди. Шу мақсадда республиканинг барча қишлоқ туманларида ҳокимлик вакиллари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ходимлари иштирокида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, йиғинлари раҳбарлари учун семинар-мажлислар ўтказилиб, ушбу қарорни рўёбга чиқариш тартиби батафсил тушунтириб берилди.

Бу тадбир тезда ўз самарасини кўрсатди — туман меҳнат бўлимларига шахсий ёрдамчи хўжаликларида қорамол боқишни истаган жуда кўпчилик фуқаролар мурожаат қила бошладилар.

Бироқ ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп. Хусусан, қорамол асраш билан шуғулланувчи фуқароларга меҳнат дафтарчалари бериш ва юритиш механизмини аниқ ишлаб чиқиш, уни сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш жараёнини йўлга қўйиш, қорамол боқиш учун тегишли инфратузилмалар ва ем-хашак базасини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Элдор МУДАРИСОВ суҳбатлашди.

Қизилтепадан Рим кўринади

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Мактаб, коллеж ва олий ўқув юртлари ўртасидаги уйғунлик мутаносиб тарзда юритилмоқда. Айниқса, фарзандларимиз коллежда касбли, ҳунарли бўлишмоқда. Жумладан, Қизилтепа тумани марказидаги янги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, гарчанд фаолият бошлаганига саккиз ой бўлган бўлсада, довруғи тезда тилга тушди. Ушбу муҳташам ва кўркам бинони «Зилола пойдевори» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси қисқа муддат — саккиз ойда барпо этганди.

Мазкур ўқув даргоҳи тўққиз юз ўқувчига мўлжалланган. Айни пайтда бу ерда барча шароит муҳайё. Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ўқув жиҳозлари талабалар ихтиёрида. Улар интернет орқали бутун жаҳон коллежлари билан боғланишмоқда, дунёвий тажрибаларни ўрганишмоқда. Таъбир жоиз бўлса, ёшлар бугун Қизилтепадан туриб Парижу Рим, Чинмочину Манжурия билан бевосита мулоқотга киришмоқда.

СУРАТДА: коллежнинг бир гуруҳ ёшлари.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

ИЖРО ТАЛАБИ ҚАТЪИЙ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2005 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан жорий йилнинг апрель ойида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 21 апрелдаги "Тўқимачилик саноати корхоналарининг молиявий аҳволини соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг "2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда, қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, жорий йил 1 майдаги "Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари талабларидан келиб чиқиб, давлат солиқ идоралари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. Тегишли вазифалар белгилаб олиниб, бу борада ишлаб чиқилган дастурлар тасдиқланди.

Солиқ тизими

Кун тартибига қўйилган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги "Жамғариб бориладиган пенсия таъминотини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2005 йил 28 ноябрдаги 4694-сонли фармонлари талабларини бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, Президентнинг 2005 йил 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги ҳамда ўтган йил 8 июлдаги "Ахборот коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ, Давлат солиқ хизмати органларида автоматлаштирилган компьютер дастурининг маҳсулларини жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Муҳокамалар чоғида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга бўлган боқимандаларни қисқартириш, қўшимча ҳисобланган суммалар ва қўлланилган молиявий жарималарни ундириш, "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлашда йўл қўйган жиддий хато ва камчиликлари учун Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Мирзаевга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди. Айрим ҳудудий Давлат солиқ инспекциялари 10 нафар раҳбар ходимининг масъулияти эса биринчи ярим йиллик якуни бўйича кўриб чиқилиши белгиланди.

Шу билан бирга, жорий йил апрель ойи прогноз кўрсаткичларини айрим солиқ турлари бўйича бажармаган Бухоро ва Навоий вилоятлари раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилиб, улар зиммасига йўл қўйилган камчиликларни биринчи ярим йиллик якуни бўйича бартараф этиш вазифаси юклатилди.

Ҳайъат йиғилишида қайд этилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Давлат Солиқ қўмитаси матбуот хизмати.

Ҳуқуқий давлат сари

Маълумки, ўтган йилнинг 1 августида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унда 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилиши белгиланган. Шу билан бирга, вояга етмаганлар, аёллар ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан бу жазо қўлланилмайди.

ЖАЗОНИНГ ШАФҚАТСИЗЛИГИ ЭМАС, МУҚАРРАРЛИГИ МУҲИМ

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексида 13 та жиноят учун ўлим жазоси кўзда тутилган бўлса, 1998 йилда 8 та, 2001 йилда 4 та ҳамда 2003 йилда 2 та жиноят, яъни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган жиноят ва терроризм учун бу жазо тури қолдирилган эди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши суд-ҳуқуқ тизими ва жиноий жазоларни либераллаштиришнинг мантиқий давоми бўлиб, халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф қилинган мезонларга мувофиқ келади.

Ўлим жазосини бекор қилишга доир халқаро ҳужжатларда инсон шаъни ва қадр-қимматини янада мустаҳкамлаш, унинг яшашга бўлган ҳуқуқига инсонпарвар ёндашувни кафолатлаш ғоялари илгари сурилган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқаро ҳуқуқнинг босқичма-босқич инсонпарвар йўналишда ривожланиб бориши жиноят ҳуқуқига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада ўлим жазосини қўллаш фақатгина жиноят ҳуқуқи муаммоларига дахлдор бўлмай, балки инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим тамойил – инсоннинг яшаш ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир, деган ғоя шаклана борди. Бугунги даврда эса ўлим жазосини бекор қилишга давлатдаги демократик қадриятлар даражасини белгиловчи мезон деб қаралмоқда.

Ўлим жазосидан воз кечиш ғояси халқаро ҳужжатларда босқичма-босқич такомиллашиб келганини кузатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга", дейилган бўлса, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 6-моддасига кўра, ўлим жазоси бекор қилинмаган давлатларда уни фақат энг оғир жиноятларга қўллаш ёки ҳар қандай ҳолда амнистия, авф қилиш ёки бошқа жазо тури билан алмаштириш мумкин. Шунингдек, унда 18 ёшга тўлмаганлар ҳамда ҳомиладор аёлларга ўлим жазосини тайинлаш тақиқланган.

1989 йил 15 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга қўшимча равишда қабул қилинган Иккинчи протоколга кўра уни имзолаган давлатларда ўлим жазосини қўллаш узил-кесил бекор қилинди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги тўғрисидаги Европа ҳамда Америка Конвенцияларининг қўшимча протоколларида худди шу каби меъёрлар белгиланган.

1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 37-моддасида эса 18 ёшга тўлмаган болаларга ўлим жазоси, шунингдек, озод этишни кўзда тутмайдиган умрбод қамоқ жазоси тайинлаш тақиқланган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга қўшимча Иккинчи протоколда истисно тариқасида ўлим жазосини уруш даврида содир этилган оғир ҳарбий жиноятларга нисбатан тайинлаш мумкинлиги белгиланган. Бунга ҳоҳиш билдирган давлат протоколга қўшилиш вақтида маълум қилиши ҳамда БМТ Бош котибига миллий қонунчиликнинг тегишли қоидаларини етказиши шарт. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси протоколида ҳам шунга ўхшаш қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Юқоридагилардан англашиладики, ўлим жазосини бекор қилиш халқаро ҳамжамият томонидан аста-секин эътироф қилинган. Бунда масаланинг маънавий томони билан давлатнинг ўлим жазосини тайинлаш ваколати ўртасидаги нозик жиҳатлар хусусида кўплаб мунозаралар бўлиб ўтган. Унинг маънавий жиҳати сифатида суд хатоси туфайли бегуноҳ инсонни ўлимга ҳукм этиш ҳолларини эътибордан қочириб бўлмаслиги таъкидланади. Шунингдек, қонун инсон табиатида мавжуд бўлган қасос олиш туйғусига эргаша олмаслиги, балки инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлаши зарурлиги кўрсатилади. Умуман, мутахассисларнинг фикрича, криминология фанида ҳозирга қадар ўлим жазосини қўллаш ҳамда жиноятчиликнинг камайиши ўртасида аниқ ва ишонарли боғлиқлик мавжудлиги ўз исботини топмаган. Аксинча, статистик маълумотлар шуни тасдиқлайдики, ўлим жазосини муттасил қўллайдиган давлатларда жиноятлар сони ошса ошганки, камаймаган. Шу сабабли, жазонинг шафқатсизлиги эмас, балки муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда устувор ҳисобланиши бежиз эмас.

Айтиш жоизки, бугунги кунда БМТга аъзо давлатларнинг 86 тасида (шундан 25 таси Европа Иттифоқи давлатлари) ўлим жазоси деюре (ҳам амалда, ҳам расман) бекор қилинган бўлса, 35 та давлатда де-факто (фақат амалда) қўлланилмайди.

Шу ўринда, собиқ Югославия ва Руандада содир этилган жиноятлар учун ташкил қилинган Халқаро трибуналларда ва Халқаро жиноят суди статутида (1998 йил 17 июлда Римда қабул қилинган) жазо чоралари сифатида ўлимга ҳукм этиш кўзда тутилмаганлигини айтиб ўтиш зарур. Ўзбекистон 2001 йил 26 июнда ушбу статутга қўшилган.

Халқаро ҳуқуқнинг барқарор тус олган инсонпарварлашуви кўпчилик давлатларда эътироф этилган бўлсада, ўлим жазосига ҳукм этишда бардавом бўлган давлатлар ҳам йўқ эмас. Келинг, қиёслаш учун АҚШдаги аҳволни мисол тариқасида олайлик. Бу масалада ушбу давлат Хитой, Эрон ва Вьетнам каби давлатлар билан ёнма-ён туради. АҚШ Югославия ва Руанда учун Халқаро трибуналда ўлим жазоси қўлламасликка розилик берган бўлса-да, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга оид Халқаро Пактнинг 6-моддасига қўшилмаган ҳамда ўз фуқароларига (аёллар, ақли заифлар ва 16 ёшга тўлмаганларга ҳам) ўлим жазосини қўллайди. Шу билан бирга, 1972 йилда АҚШ Олий суди ўлим жазоси конституцияга мувофиқлигини белгилаб, 1976 йилда уни тайинлаш бўйича йўриқнома қабул қилган. АҚШ ўлим жазоси ахборот маркази маълумотига кўра, бугун бу жазо рўйхатида 3400 киши турибди. Америка ҳуқуқшуносларининг бунга муносабати қандай, деган савол туғилади. Америка Адвокатлар уюшмаси кўп йиллардан буён АҚШда ўлим жазосига мораторий эълон қилишни таклиф қилмоқда. АҚШ Жиноят ишлари бўйича ҳимоячилар миллий уюшмаси маълумотига кўра, ўлим жазоси тайинлашда аксарият ҳолларда ирқий камситишга йўл қўйилмоқда ҳамда кам таъминланган қатлам учун бу жазо хавфи юқори бўлиб қолмоқда. Бироқ ижобий ўзгаришлар ҳам йўқ эмас. 1999 йилда 98 та кишига нисбатан ўлим жазоси ижро этилган бўлса, ўтган йилга келиб бу сон 59 тага тушган. Ижтимоий сўровлар ҳам америкаликлар ўртасида бу жазо амалиётини қўллаб-қувватловчиларнинг камайиб боришини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг мазкур Фармони суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, жамиятимизда инсон, унинг ҳаёти ва қадр-қимматига бўлган муносабат янги поғонага кўтарилганидан, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, демократик жамият барпо этиш йўлида босқичма-босқич илгарилаб борилаётганига ёрқин далолатдир.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Адлия вазирлиги Халқаро ҳуқуқий бошқармаси етакчи маслаҳатчиси.

АКАДЕМИК ШАВКАТ ЎРАЗАЕВ

Шафқатсиз ўлим таниқли ҳуқуқшунос олим, академик, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Шавкат Закариевич Ўразаевни орамиздан олиб кетди.

Ш.З.Ўразаев 1927 йили Бошқирдистон Республикасининг Чукмагуш туманида туғилди. 1947 йилда Тошкент давлат юридик институтини, 1950 йилда шу институт аспирантурасини тамомлади. 1951 йилда номзодлик, 1963 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди, узоқ йиллар давомида ТошДУ — ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг юридик факультетида дарс берди, 1994-95 йилларда Тошкент давлат юридик институти ректори вазифасида ишлади.

Заҳматкаш олим Ўзбекистонда давлат қурилиши назарияси ва тарихи, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби долзарб мавзулардаги тадқиқотлари билан танилди. У 1990-1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси раиси, 1993-1994 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди раиси вазифасини бажарувчи, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозимларида хизмат қилди. 1994-2004 йилларда Ички ишлар вазирлигининг академиясида профессор бўлиб ишлади.

Академик Ш.З.Ўразаев икки юздан зиёд монография, дарслик ва қўлланма, илмий мақола ва маърузалар муаллифи эди. У ўз меҳнат фаолияти давомида юқори малакали кадрлар, айниқса, ёш илмий ходимлар тарбиясига алоҳида эътибор берди. Унинг илмий раҳбарлигида ўттизга яқин фан доктори ва номзоди етишиб чиқди.

Атоқли олимнинг республикамизда ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Республикаси фан арбоби фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Йирик олим, ажойиб инсон, ёшларнинг меҳрибон устози Шавкат Закариевич Ўразаевнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.

Бокира табиат тасвири

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари» туркумидан «Қўриқхоналар ва миллий боғлар» деб аталган суратли альбомни чоп этди.

Одамларга қўриқхоналар ҳақида нима маълум? Ҳозирча маълумот жуда кам. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ давлат табиат қўриқхоналари қатъий муҳофаза қилинадиган ҳудуд бўлиб, уларда ёввойи табиатнинг ҳаёти йил бўйи кузатиб борилади. Қўриқхона ҳудудлари, айниқса, ҳозирги пайтда жуда катта аҳамиятга молик, чунки табиат ресурслари ўзгаришининг миқёслари тобора кенгайиб бормоқда.

Юртимиз табиий бойликларини сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳар қандай олижаноб ҳаракат халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши лозим.

Китобда «Бадайтўқай», Зарафшон, Зомин, Китоб, Нурота, Сурхон, Қизилқум, Ҳисор, Чотқол қўриқхоналари, Зомин миллий боғи, Угом-Чотқол миллий боғи, «Жайрон» экомаркази ҳақида маълумотлар, гиёҳлар ва жониворлар акс этган рангли суратлар берилган.

Ўз мухбиримиз.

ПРОДАЕТСЯ

действующий
ЖИВОТНОВОДЧЕСКИЙ КОМПЛЕКС
в Джизакской области
(Заминский район, поселок Гулшан),
состоящий из трех крупных
отдельно действующих комплексов:

1. Свинокомплекс	
Территориальная площадь	96,000 м²
Площадь строений	21,464 м²
Кол-во строений	20
Мощность	до 24 000 голов
2. Племенная ферма	
Территориальная площадь	29,835 м²
Площадь строений	20,490 м²
Кол-во строений	10
Мощность	до 3 000 голов
3. Животноводческая ферма	
Территориальная площадь	95,779 м²
Площадь строений	7,524 м²
Кол-во строений	19
Мощность	до 500 голов КРС до 5 000 МРС
Техническая оснащенность	МТЗ — 3 единицы Т 28 — 1 единица КА 700 — 1 единица
Прилагаемая земельная площадь	618 га
Имеющийся скот	110 голов крупного рогатого скота, 60 голов мелкого рогатого скота
Всего:	
Общая площадь земли	640 га
Общая площадь строений	49478 м²
Общее кол-во строений	49
Инфраструктура	Электричество, водоснабжение, газоснабжение, канализация, горячая вода, телефон, автомобильный (железнодорожный) подъезд.

Контактный телефон 188-33-49.

Также рассматриваются предложения на частичную реализацию.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

РОССИЯНИНГ "НАРА" ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ "SOMO" ЗАВОДЛАРИ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ МОСЛАМА (БЕНЗОКОЛОНКА)ЛАРИНИ СОТАДИ.
Мосламалар сифати сертификатланган ва тўлиқ кафолатланади.
Малакали мутахассислар томонидан ўрнатиб бериш таъминланади.
Тел: (99871)144-28-44, 144-28-11, 144-28-33, 189-65-53.

KAPITAL SUG'URTA · Nemiroff · KAPITALBANK
Информационный партнер: FM ORIAT · Радио Дорожное ORIAT FM 106,5
Ассоциация Гольфа Узбекистана · АКБ «KAPITALBANK» · Ташкентский Гольф Клуб

1-й ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА ПО ГОЛЬФУ

Организатор — Ассоциация гольфа Узбекистана.
При поддержке Ташкентского гольф-клуба.
Генеральный спонсор — KAPITALBANK.

1. Игра на 18 полях:
➢ игра с учетом гандикапа
2. Гольф-состязания:
➢ состязание на патере
➢ состязание на дальний удар

Capital cup
Ташкент 2006
14 мая

Горячая линия:
113 - 11 - 33

Участники — граждане Республики Узбекистан

Гражданам Республики Узбекистан в течение 2006 года бесплатно предоставляются:
➢ занятия
➢ корзина с тренировочными мячами
➢ набор клюшек
➢ обувь для игры в гольф

Стань участником!

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР
AVTODOM PLUS

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустаҳоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобиль билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА
700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Янгилик меҳр билан
Hisense
КОНДИЦИОНЕРЛАРИ
ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИ
ҲАВОНИ ИОНЛАШ
3 ЙИЛ БЕПУЛ СЕРВИС ХИЗМАТИ
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН
АЛИШЕР НАВОИЙ КЎЧАСИДАГИ САВДО РАСТАЛАРИДАН СЎРАНГ, ТЎЛОВ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН. Тел.: 173-21-64.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Мулоҳаза

Одатда, энг қиммат, қадрли нарсаларни олтинга муқояса қиламиз. "Олтин даврим", "оқ олтин", "қора олтин". Бу бежиз эмас. Чунки айни таққосланаётган нарсалар, дейлик, "қора олтин" Саудия Арабистони, Россия Федерацияси, Ироқ ва Эрон сингари давлатларнинг миллий бойлиги. Халқ ҳам, давлат ҳам бундан жуда катта даромад кўради. Лекин шундай давлатлар ҳам борки, уларда на нефть бор, на пахта. Аммо бундай мамлакатларда бошқа бир неъмат мавжуд. Бу — жаннатмисол табиату, бир неча минг йиллик тарихий мерос. Ана шу неъмат Испания бюджетининг 30 фоиздан ортиғини, Грециядa 18 фоизни ташкил этади. Юнон ғазнасига ҳар йили 30 миллиард доллар ушбу соҳа ҳисобидан келиб тушади.



Туризм: БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

Демак, гап туризм ҳақида. Туризм бугунги замон иқтисодиётида катта ўрин тутади, қолаверса, кун сайин такомиллашиб, янгиланиб бормоқда. Гўзал табиат гўшалари, тарихий-маданий осори атиқалар сайёҳликнинг, соддароқ айтганда, ошу нони. Юртимизда ҳам, шукурки, барча қадр-қимматли неъматлар муҳайё. Олтин, оқ олтин, қора олтин, мусаффо табиат, энг муҳими, башарият тамаддунининг бешикларидан бўлган бетакрор шаҳарларимиз бор. Пурвиқор тоғлардаги абадий музликлар, минг хил дардга даво гиёҳлардан тортиб шифобахш сувларгача заминимизда мужассам. Бу эса, ўз-ўзидан, бизда туризмнинг имкониятлари катта эканлигидан далолат беради.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизнинг бир йиллик туризм заҳиралари 6 миллион нафар кишини таъминлашга етар экан. Бошқача қилиб айтганда, йилига 1 миллион киши олти кундан ҳордиқ чиқариш имконияти бор. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Айниқса, туризм инфратузилмасини шакллантиришда замонавий бозор иқтисодиёти тамойилларидан келиб чиқиб ёндошилди. Сайёҳлик билан шуғулланаётган ташкилотлар сони 408 та бўлиб, уларнинг 326 таси хусусий фирма ва агентликларни ташкил этади.

Табиийки, сайёҳлик тизимини меҳмонхоналарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Республикамизда 14 минг кишини ўз бағрига сиғдира оладиган 168 та меҳмонхона аҳолига хизмат кўрсатиб келаётир. Улардаги шароитни яхшилаш ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси меҳмонхона бошқарувчиларининг кенгаши тузилган. Кенгаш дунёдаги машҳур меҳмонхоналарнинг иш фаолиятини ўрганиб, юртимизда ҳам қўллашга доир ишларни амалга оширади.

Шу ўринда кадрлар масаласига ҳам тўхталиб ўтсак. Чунки турли тил ва дунёқараштаги мижозларга хизмат кўрсатишда нафақат яхши меҳмонхоналар, балки мезбонликни жойига қўядиган мутахассислар ҳам ўта зарур. Ўтган йиллар давомида бир неча хорижий тилларни ҳамда энг муҳими, юртимиз тарихи ва маданиятини мукаммал биладиган ёш кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Шу мақсадда ташкил этилган республика илмий-консалтинг ўқув марказида 2005 йилда 51 нафар гид, 201 нафар гид-таржимонлар тайёрланди. Бу масаланинг жиддийлиги шундаки, айни мана шу касб аҳлининг сайёҳларни ўзига жалб этиши, Ватанимизнинг бой тарихий мероси ва маданиятига нисбатан хорижликлар кўнглида, озгина бўлса-да, қизиқиш уйғотиши, янги сайёҳларнинг ташриф буюришига асос бўлади.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси матбуот хизмати маълумотларига кўра, ўтган йили сайёҳларга 39,8 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилган бўлиб, шундан 566,1 миллион сўм соф фойдадир. Агар ушбу пулни валютада ҳисобласак, бу имкониятларимизга яраша эмаслиги кўзга ташланади. Грециянинг бу соҳада топаётган 30 миллиард АҚШ доллари билан бизнинг арзимаган 500 минг доллар орасида осмон билан ерча фарқ бор. Имконият ва эришилган натижалар ўртасидаги бундай тафовут, айтиш керакки, ҳали анча ишлар қилиш кераклигини кўрсатади.

Юртимизга ўтган йили Австрия, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Россия ва Япония сингари давлатлардан 241,9 минг нафар киши ташриф буюрди. Уларнинг сони 2004 йилга нисбатан 25,9 фоизга камайган. Шу ўринда, нега бундай бўлди, деган ҳақли савол туғилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, сайёҳлар сонининг кескин тушиб кетишига мамлакатимиз туризм салоҳиятининг етарли даражада халқаро миқёсда реклама қилинмаганлигидир. Бу ишга эътиборни кучайтириш лозим. Айниқса, чет элдаги элчихоналаримиз орқали турли тадбирларни ташкил этишга киришиш керак. Бу масала "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг 2006 йилги иш режасига киритилган бўлса-да, ҳали астойдил ишга киришилмаган. Сайёҳликдан даромад кўришни хоҳлаган ҳар бир тадбиркор, аввало, рекламага зўр бериши лозимлиги Ғарб туризм саноати амалиётидан маълум. Ҳатто, Африкадаги айрим давлатлар ҳам дунёнинг машҳур телеканалларида реклама роликларини беришади. Биргина мисол: CNN телекомпаниясида Конго давлатининг диққатга сазовор жойлари реклама қилинган эди. Бу бежиз эмас. Зотан, реклама одамларнинг диққатини жалб этиши мумкин бўлган энг қулай йўл.

Дарвоқе, фақат чет элликлларгагина хизмат кўрсатиб қолмай, ўзимизникиларни ҳам унутмаслик даркор. Рақамларни солиштирганда, шу нарса аниқ бўлдики, ўзимизнинг сайёҳлар чет эл сайёҳларидан кўп экан. Агар юртимизга 2005 йили 241,9 минг хорижлик сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 380,8 минг нафар юртдошларимиз четга чиқиб келишди. Бундан ташқари, 334,1 минг нафар киши ўзимизда ҳордиқ чиқарган, саёҳат қилган. Ички туризмнинг асосий манбалари бугунги кунда дам олиш санаторийлари, айниқса, тоғли ҳудудлар бўлиб, бу ерга келувчилар сони ҳам 2004 йилга нисбатан 17,2 фоизга камайган. Бунинг асосий сабаби сифатида эса, "Ўзбектуризм" миллий компанияси мутахассислари етарлича рекламанинг йўқлиги ҳамда йўлланмалар нархининг баландлигини кўрсатишмоқда.

Умуман, юртимизда туризм соҳаси халқимизнинг миллий бойлигига айланиши учун барча имкониятлар бор, имтиёзлар мавжуд. Шуниси аниқки, "оқ олтин", "қора олтин"лар сафини туризм ҳам эгалласа, ундан нафақат миллиардлаб даромад олинади, балки юртимизнинг обрў-эътибори ҳам дунё миқёсида баланд бўлади.

Қобил ХИДИРОВ.

DELTA-BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY
ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006
МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА
ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"
26-28 сентября 2006 года
Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz
МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"
* технические средства обеспечения безопасности,
* антитеррористическое оборудование,
* средства защиты информации, * спасения при ЧС и пожарной охраны,
* обеспечения банковской и промышленной безопасности.
Бизнес-партнеры: infoCOM.UZ
ООО "NOVITA-EDMG"
2390H/568

"TOG'LAR" MCHJ
БЭМЗ МПЗ ВЭТЗ
ШАХСИЙ ОМБОРХОНАДАН ВА БУЮРТМАГА АСОСАН
+ Электродвигателлар 1 кВтдан 1 мВтгача
+ Дизель-электростанциялар 8 кВтдан 630 кВтгача
+ Кабель (ААШВ, АСБ, АВВГ, КГ ва бошқа русумлар)
+ Трансформаторлар, трансформатор жамламалари (подстанциялар. КТП, ГКТП, ТП, КСО, ВРУлар)
+ Авиа ва аэродром электр жиҳозлари
+ Прожекторлар ва ёритгичлар (ЛПО, ЛВО, ЛСП, ПКН, ИО ва ҳк.)
+ Ёритиш мосламалари жамламаси
+ Божхонада юкларни расмийлаштириш хизматлари
Тел.: (+998 98) 128 5987, (+998 97) 107 2841, (+988 712) 56 0955.
Т./Ф. (+988 71) 152 1629.
E-mail: toglar_uz@mail.ru
2150R/99
ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

UZDUNROBITA first cellular
«УЗДУНРОБИТА» КОМПАНИЯСИДАН БАҲОРГИ ТАКЛИФ!
SUPER
ТАРИФ РЕЖАСИ
Ўзбекистон бўйича алоқа $0.04 (1 дақиқа учун)
Тармоқ ичида чиқувчи алоқа $0.02 (1 дақиқа учун)
Абонент тўлови $0.07 (кунига)
Тармоқ ичида кирувчи алоқа БЕПУЛ
Тўловлар сўмда ЎзР Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган

БИЛДИРИШ

«ДАВИНКОМ» ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ФИРМАСИ

томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2006 йил 3 майдаги 84 (3883)-сонида чоп этилган «Тошкент электр тармоқлари» ва «Андижон электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари акцияларининг «Тошкент» Республика фонд биржасининг акцияларни эркин алмашадиган валюталарга сотиш майдонига ўтказилиши тўғрисидаги эълони ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.

«Давинком» давлат инвестиция фирмаси маъмурияти.

Hyundai Football World Championships
DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY
DONGNAMUZ MOTORS
Address: 8, Afroslab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com
Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы охраны периметров
Навигационные системы
Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок
Контроль местонахождения транспортных средств
Контроль расхода топлива
Geoquip WORLDWIDE
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг жамоаси академик **Шавкат Закариевич ЎРАЗАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси жамоаси Ўзбекистон Дорихоналар бош бошқармасининг собиқ раҳбари, фармацевтика фанлари номзоди **Эркин Назарович ЖЎРАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«TOSHSHAHARNUR» Давлат унитар корхонаси жамоаси етук мутахассис, тажрибали мураббий **Жавлон Тўхтаевич ДАМИНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Донёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 123456